



АЗМУ ШИЖОАТЛИ СЕРЖАНТЛАР

Гўзал диёри мизнинг барча гўшаларида халқимизнинг қадимий ва улуг айёми — Наврўз кенг нишонланаётган шу кунларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларининг навбатдаги битирувига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Маълумки, сержантлар ички ишлар идораларининг профессионал негизини ташкил этади. Мана, қарийб беш йилдирки, Олий курсларда қўллаб мутахассис сержант кадрлар тайёрланмоқда. Мазкур таълим муассасасида таҳсил олганлар патруль-пост, йўл-патруль, қўриқлаш, жазони ижро этиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, ёнғин хавфсизлиги хизматлари бўйича ортирган билим ва кўникмаларини ички ишлар идораларида қўллаб келмоқда.

Бўлажак сержантлар учун тўрт цикл, яъни махсус, юридик, гуманитар ва ижтимоий-ҳуқуқий, хизмат ҳамда жанговар-жисмоний тайёргарлик машғулоти юқори савияда ўтказилиши таъминланмоқда. Ўқиш жараёни ҳам замонавий, энг сўнгги таълим бериш усуларида олиб борилади. Бир сўз билан айтганда, курсантлар миллий истиқлол ғояси, Ватанга, бурчга садоқат руҳида камол топмоқда.

Мана, баҳорнинг тароватли кунда курсантлар ҳаётида унутилмас лаҳза — Олий курсларни битирганлиги тўғрисидаги диплом топширишга бағишланган тантана бўлиб ўтмоқда.

Академия майдонида олий ўқув юрти тингловчилари, шахсий таркиби ва Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари битирувчилари тadbир бошланишини кўзларда ҳаяжон билан кутмоқда. Хизмат кийими ўзига ярашиб турган алпқомат йигитларнинг чехраларида севинч, ўқтамлик, шодлик зоҳир.

Минбарга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирини, генерал-лейтенант Б. Матлюбов бошчилигидаги вазирлик раҳбарияти, ИИВ соҳавий хизмат ва Академия раҳбарлари кутарилишди. Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари бошлиғи, полковник С. Тангирбердиев Ички ишлар вазирига шахсий таркиб тadbирга тайёрлиги тўғрисида ахборот

(Репортаж)

амалга оширилаётган хайрли ишлар бугун ўз ижобий натижасини бера бошлаганини айтиб ўтди. Бундан буён эл-юрт тинчлигини таъминлаш,



бергач, барча орзиқиб кутган диплом топшириш тантанаси бошланди. Йигитлар сафдан чиқиб, шахдам қадамлар ташлаб, устозлари олдида диплом олиш учун кела бошлади. Дипломни қўлга олиб «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан» деб баралла айтаётган йигитларга, шодиёнага келганлар ҳавас билан боқаётганини сезиш қийин эмас. Ички ишлар вазири Б. Матлюбов битирувчиларнинг 15 нафарига имтиёзли диплом ва кўкрак нишони топширди.

Шундан сўнг, генерал-лейтенант Б. Матлюбов нутқ сўзлади. Вазир ўз сўзида давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ва бевосита бошчилигида сержант ва офицер кадрларни профессионал жиҳатдан тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича

фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сержантлар ҳаётининг мазмуни бўлиб қолиши лозимлигини таъкидлади.

Нотиқ ёш сержантларга юртимиз фаровонлиги ва озоийишпаллиги йўлида машаққатли, шу билан бирга, шарафли хизмат фаолиятларида муваффақиятлар тилар экан, жумладан, шундай деди:

— Азиз битирувчилар! Сиз

нуфузли олий таълим муассасасини тамомлаб, эндиликда фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлашдек шарафли ишга йўл олмоқдасиз. Шундай экан, билдирилган ишонч-

ни оқлаб, таълим даргоҳида эгаллаган билим ва кўникмаларга суянган ҳолда, зиммангизга юклатилган масъулиятли вазифаларни тўлатўкис бажариш сиз учун катта шараф. Сизлар ҳам фидойи ходимлар сафидан муносиб ўрин олишингизга ишонаман.

Майдон узра Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Шундан кейин минбарда сўз олган жамоатчилик вакиллари битирувчиларни унутилмас кун, ажойиб шодиёна билан қизгин муборакбод эгди. Академия профессор-ўқитувчилари номидан юридик цикли бошлиғи, подполковник Самад Ҳамраев битирувчиларга муваффақият тилади. Ота-оналар номидан тошкентлик Севар Қосимова барча йигитларни қасамёдига содиқ қолиб, билдирилган ишонч-ни оқлашга чақирди. Кичик сержант Илҳом Аббосов таъ-

лим берган устоз-мураббийларига миннатдорчилик изҳор қилди.

Қувончдан шодон ота-оналар, битирувчи ва уларнинг яқинларини суҳбатга тортамыз.

— Мен ушбу даргоҳда қўриқлаш хизмати йўналиши бўйича керакли билим ва кўникмаларга эга бўлдим, — дейди Навоий вилояти Кармана туманилик битирувчи, кичик сержант Акмал Турсунов. — Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган ушбу курсларда курсантларга эътибор қатта бўлиб, бизларга замонавий ўқув-методик хоналарда малакали профессор-ўқитувчилар дарс беришди. Таълим олиш билан бир қаторда, миллий кураш ва қўл жангидан мукамал сабоқ олдим.

— Неварам Жаҳонгир Эргашевнинг мартабаси баланд бўлсин, юртимизда тинчлик ва осудалик ҳукм сурсин, — дея дуо қилди Самарқанд вилояти Ургут туманилик ҳожи она Ойдин Ражабова. — Ўн битта фарзандим, 100 га яқин невара ва эвараларим бор. Мана, Жаҳонгирим ички ишлар ходими либосини кийиб хизматга бел боглаб турибди. Ҳамма йигит-қизлар ҳормай-толмай эл корига камарбаста бўлиб юришсин.

— Кенжа ўғлим Жетс Урашаев ички ишлар ходими бўлишни хоҳлади, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туманидан Турлихан Хўжалепесова. — Мана, бугун мутахассислик дипломини қўлга олди. Ўғлим, халқига, Ватанига хизмат қилса, мендан бахтли она йўқ.

Кимдир жипарбандини қўлаб, қучоқлаган, яна кимдир яқинига гул тугган. Мехрибон оналарнинг кўзидан қалқиб тушаётган ёш — севинч, шукроналик, фарзанд камолдан бахтиёрлик, эртанги порлоқ истиқболга умид томчилари эди. Ҳамманинг чехрасида таббассум. Биз эса она-Ватанга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишга азму қарор қилган алпқомат йигитларнинг зиммаларидаги вазифаларни шараф билан адо этишини, жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши муносиб курашишда омад ёр бўлишини тилаб қоламыз.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постада» мухбири.

Суратларда: тантанадан
лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН

ТАЙИНЛАНДИЛАР

ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккийни қабул қилди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

● 30 март кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги Қарорга имзо чекди. Мазкур банк очик турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ва «Пахтабанк» АТБнинг ҳуқуқий вояси ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги Қарори матбуотда чоп этилди. Ушбу банк «Галла-банк» акциядорлик тижорат банкининг негизида ташкил этилди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари, сенатор Алфредо Мантика раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Ташқи ишлар вазирлигида музокаралар ўтказди. Шунингдек, делегация аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида қиёқ қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирдилар.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кун тартибига киритилган масалалар муҳокама этилди.

● Пойтахтимизда «Туркистон» саройида Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган «Ташаббус» республика кўриктанловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. «Ташаббус – 2009» танлови ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари – «Матиз» автомобиллари тантанали равишда топширилди.

● ФИДЕ дунёнинг энг кучли шахматчилари янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистоннинг энг кучли гроссмейстери Рустам Қосимжонов етти поғона юқорилаб, 2695 балл билан ўттиз бешинчи қатордан жой олди.

● Тошкентдаги Халқаро маданият қарвонсаройида «Қадрдон Тошкентим 2200 ёшда» деб номланган болалар расмлари кўргазмаси очилди. Танловда «Қадрдон Тошкент табияти», «Аҳил оила», «Пойтахт ҳаёти», «Пойтахт архитектураси: кеча ва бугун», «Халқ байрамлари» каби мавзуларда чизилган 170 дан ортиқ суратлар намоиш этилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Адилбай Бахиевич ЖАМАЛОВ.

Адилбай Бахиевич Жамалов 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1995 йилда Нукус шаҳар ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси инспектори лавозимидан бошлаган. 1997–2009 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, Нукус шаҳар ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, Бўзатов тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Кегейли тумани ИИБ Қозанкеткен ҚМБ бошлиғи, Тахтақўпир тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ катта тезкор вакили лавозимларида хизмат қилган.



Жиззах вилояти Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Мухтор Асрорович МИРЗИЯЕВ.

Мухтор Асрорович Мирзияев 1959 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1988 йилда Жиззах шаҳар ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1990–2009 йилларда Жиззах шаҳар ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, Зомин тумани ИИБ терговчиси, ЖҚГ тезкор вакили, Жиззах вилояти ИИБ ҚР ва ТҚКББ тезкор вакили, Жиззах тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, вилоят ИИБ тергов қисми катта терговчиси, Жиззах шаҳар ИИБ тергов бўлими бошлиғи, Зарбдор тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Жиззах вилояти Зарбдор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Эркин Нурматович ХУСАНОВ.

Эркин Нурматович Хусанов 1966 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1986 йилда Жиззах шаҳар ИИБ ППХ ҳайдовчи-милиционер лавозимидан бошлаган. 1991–2009 йилларда Жиззах вилояти ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, Жиззах шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғи ўринбосари, бошлиғи, Бахмал тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Мирзачўл тумани ИИБ бошлиғи, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Фарғона вилояти Бувайда тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Муҳиддин Иномович ТУРГУНОВ.

Муҳиддин Иномович Тургунов 1962 йилда туғилган. Маълумоти олий, Қўқон Давлат педагогика институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1984 йилда Фарғона вилояти Бувайда тумани ИИБ саф бўлинмалари милиционер лавозимидан бошлаган. 1991–2009 йилларда Бувайда тумани ИИБ жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича инспектор, вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекция инспектори, участка инспектори, ЖҚГ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ЖҚБ бошлиғи, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Транспортдаги ИИБ Ховос темир йўл бекатидаги тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Шавкат Қаҳҳорович АБДУВОҲИДОВ.

Шавкат Қаҳҳорович Абдувоҳидов 1968 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1994 йилда Транспортдаги ИИБ ЖҚБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1996–2009 йилларда Транспортдаги ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи ўринбосари, Ховос темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Транспортдаги ИИБ алоҳида милиция батальони командири ўринбосари, ЖҚ ва ТҚКБ бўлинма бошлиғи, бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Сурхондарё вилояти Бандихон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, капитан Анвар Маматович НОРМАМАТОВ.

Анвар Маматович Нормаматов 1981 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 2003 йилда Сурхондарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 2005–2009 йилларда Сурхондарё вилояти Ангор тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, Сурхондарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлинма бошлиғи, Бандихон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



ТАДБИР

ҲАМКОРЛИК – ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар ИИББ томонидан ташкиллаштирилган «Профилактика хизмати билан жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирни шаҳар ИИББ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, ва ЖТСБ бошлиқлари, Оқсоқоллар полковник А. Эрناзаров олиб борди. Унда Тошкент шаҳар ИИББ, пойтахт туманлари ИИБ ҲООБ, ППХ ва ЖТСБ бошлиқлари, Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жам-

фармаси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, республикаимиз ички ишлар тизимида ўтказилаётган ислохотлар жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда ўз самарасини бермоқда. Милиция таянч пунктларида профилактика инспекторларининг туну кун фао-

лият кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Анжуманда сўзга чиққанлар профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар ниҳоятда мураккаб, кўп қиррали ва масъулиятли эканлигини таъкидладилар. Шунингдек, ички ишлар идораларининг бошқа соҳавий хизматлари, маҳалла оқсоқоллари, посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда ишлаб ижобий натижаларга эришилаётганини айтиб ўтишди. Тадбирда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди ҳамда келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Фурқат ХОЛИҚУЛОВ, «Постда» мухбири.

Суратда: тадбирдан лавҳа. Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Республикаимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоясини таъминлашдир. Маълумки, кейинги пайтларда инсон эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари турли кўринишларда, айниқса, одам савдосидек жирканч мақсадлар йўлида поймол этиляпти.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Тошкент вилояти ИИБда бўлиб ўтган конференция ана шу мавзуга бағишланди. Тошкент шаҳар «Истикболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази «Одам савдосига қарши кураш лойиҳаси» ассистенти Ш. Қосимова ва мутахассис У. Каримова Марказ фаолияти, амалга оширилган ишлар ҳамда режалаштирилаётган лойиҳалар моҳияти ҳақида маълумот бердилар.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Ш. Рузमतов трансмиллий жиноятлардан бири – одам савдоси билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, унга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирар экан, жиноятнинг бу турига қарши кураш ҳаммининг иши эканлиги, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш, ҳар бир ходим бундай ҳолатларнинг олдини олишда масъул эканлигини таъкидлади.

Мухаббат ИБРАГИМОВА, «Постда» мухбири.

Тошкент вилояти

ЗУККОЛАР БЕЛЛАШУВИ

Республика ИИВ Академиясининг маънавият ва маърифат марказида жиноятларнинг олдини олиш фаолияти мутахассислиги бўйича 3-курс тингловчилари ўртасида «Кувноқлар ва зукколар» мусобақаси ўтказилди. Мусобақа ўтказишдан мақсад, тингловчиларда бўлажак профилактика инспектори сифатида аҳоли орасига кириб бориш, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш, ташаббускорлик ва ташкилотчилик хусусиятларини шакллантиришдир. Шу билан

бирга, тингловчиларнинг санъат ва спорт соҳасидаги қобилиятлари синовдан ўтказилди.

Тадбир якунида гуруҳларнинг мусобақа шартлари бўйича тўплаган баллари умумлаштирилиб, натижа ҳайъат аъзолари томонидан эълон қилинди. Мусобақа барчада катта таассурот қолдирди, тингловчиларда ўзларига ишонч, касбга нисбатан янада иштиёқ, фахр-ифтихор туйғусини кучайтирди.

Абу КЕНЖАЕВ. Муаллиф олган суратлар.



ҚОНУНЧИЛИКНИ ҲАҚИҚАТГА

САЙЛОВ ТАРТИБИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишида сайлов тизими муҳим аҳамиятга эга. Сайловларнинг моҳияти фуқаролар ва ижтимоий гуруҳларнинг орасида сохта яқдилликни намойиш этишдан эмас, балки ҳаммани ўз хоҳиши, иродасини билдириш имкониятидир. Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва ҳаракати эса шу халқ иродасига мослигидир. Демак, сайловлардаги илғор ғоя ва қарашлар кураши баробарида жамият ҳаётида барқарорлик ва ҳуқуқ-тартиботга эришилади. Бундай жараёнда мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, сайловни кўппартиявийлик асосида, шунингдек, жамиятдаги барча сиёсий кучлар, ижтимоий табақаларнинг кенг иштирокида, халқаро ташкилотлар кузатуви билан ҳақиқий демократик тарзда ўтишига эришиш долзарб масала ҳисобланади.

Аҳолининг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ҳар томонлама ошириш, мамлакатни ислоҳ этиш, қонунчилик, вакиллик ҳокимиятини шакллантириш ва такомиллаштиришга оид амалга оширилаётган ишларда фуқароларнинг фаол иштирокига эришиш учун зарур ҳуқуқий меъёrlар ва шарт-шароитларни яратиш ғоят муҳим ўрин тутди. Бу борада қонунчилигимизнинг ҳуқуқий ва юридик нормаларини босқичма-босқич ва тизимли равишда янада такомиллаштириб бориш бугунги кунда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди ва 2008 йил 27 декабрдан кучга кирди.

Мазкур Қонуннинг асосий мақсади сиёсий партияларнинг роли ва таъсири янада оширишдан, Ўзбекистон экологик ҳаракати республика фуқаролари қулай атроф-муҳитга ва соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириши ҳамда бу ҳуқуқларга оғишмай риоя этиши учун атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш учун кенг имкониятлар беришдан, шунингдек, сайлов тизимини ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада либераллаштириш ҳамда демократлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни ўн тўртта моддадан иборат бўлиб, унда мамлакатимиз Конституцияси ва ўн иккита қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Ушбу Қонунга мувофиқ, сиёсий партияларнинг парламент қўйи палатасидаги вакилликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддаси биринчи қисми янги таҳрирда берилиб, унга кўра Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага ошди. Шу билан бирга, 135 нафар депутат ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўппартиявийлик асосида сайланиши, мамлакатимиздаги сайлов округлар сони 120 тадан 135 тагача кўпайтирилиши белгиланди. 15 нафар депутат эса Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади.

«Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда мужассам топадиган ўзгартишларда сайлов тўғрисидаги қонунларга депутатлик ўринларини квоталаш институтини киритиш, Ўзбекистон экологик ҳаракати мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик палатасига 15 нафар депутат сайлаш ҳуқуқини бериш назарда тутилган. Шунингдек, ушбу Қонунга алоҳида боб киритилган бўлиб, унда:

– Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш тартиби;

– Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар;

– Депутатларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати;

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатида қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатлар Экологик ҳаракатнинг республика конференциясида сайланиши назарда тутилган. Сайловни ўтказиш муддатлари ва тартибини белгилаш, Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан сайланган депутатларни рўйхатга олиш Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилди. Қонунчилик палатасига Экологик ҳаракатдан депутатлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очик ҳамда ошқоралик асосида олиб борилади. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутат этиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссиясида рўйхатга олинган пайтдан эътиборан Қонунчилик палатасининг депутати мақомини олади. Экологик ҳаракатдан сайланган депутатларга Қонунчилик палатасида депутатлар гуруҳини тузиш, парламентдаги кўпчиликни ташкил этиш учун блоklar тузиш ва блоklarни тузишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Мазкур депутатлар Экологик ҳаракат республика конференцияси қарори билан қонунда белгилаб қўйилган ҳолларда (қонун ҳужжатларини жиндий, фуқаролик, маъмурий тарзда ва жавобгарликка олиб бориши мумкин бўлган бошқа тарзда бу-

зиш; умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларини, депутатлик одобинормаларини қўпол равишда бузадиган қилмишларни содир этиш ҳамда «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида белгилаб қўйилган бошқа сабабларга кўра) чақириб олинади.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг амалдаги 20-моддасига мувофиқ, сиёсий партия ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камид эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирда депутатликка номзодлар кўрсатиши назарда тутилган эди. Ушбу моддада сиёсий партия маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳрида) эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин деб белгиланган. Мазкур Қонунга киритилган ўзгартишлар сайловчилар имзосини тўплаш ҳақидаги талабларни эллик минг имзодан қирк минг имзога тушириш йўли билан сиёсий партияларнинг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш имконияти кенгайтирилишини таъминлайди. Шунингдек, 25-моддада содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар депутатликка номзодлар сифатида рўйхатга олинмаслиги назарда тутилган эди. Киритилган ўзгартишлар ушбу моддадаги чекловни фақат содир этган оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқароларгагина тааллуқли қилиб қўйди. Бундай ўзгартишлар «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ҳам киритилди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунлар, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонунга ва бошқа қонунларга киритилган ўзгартишларда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловда иштирок этиши, шу жумладан, бундай ташаббускор гуруҳлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатлигига номзодлар кўрсатиш институтини тугатилди.

Сайлов тизимини ва сайлов тўғрисидаги қонунларни янада либераллаштириш, демократлаштириш тақозоси билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга «Сиёсий партиянинг ваколатли вакили» деб номланган алоҳида 17-модда киритилди. Ушбу модда Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни са-

наб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли. Бундай норма «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ҳам киритилди.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида қатнашиши мумкин. Ушбу норма имзо варақаларини текшириш чоғида янада кўпроқ ҳолисликни таъминлаш, сайловда очик ва ошқораликнинг, сайловни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар ҳуқуқлари амалга оширилишининг қўшимча кафолатларини яратиш имконини беради. Шунингдек, овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқирилиши ҳамда баённомада акс эттирилиши, ушбу баённома сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланиши ҳам белгилаб қўйилди. Шундан кейин баённома участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади, баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга участка сайлов комиссияси биносига осиб қўйилади. Бундан ташқари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонунлар шикоят берган шахслар мазкур шикоят кўриб чиқирилишида бевосита қатнашиш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилди. Ушбу янги нормалар сайловнинг очик ва ошқоралигини таъминлашга имкон беради, шунингдек, участка сайлов комиссиялари фаолияти устидан сиёсий партияларнинг жамоатчилик назоратини кучайтиради.

Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар сайловда кампаниясини янада фаолроқ ўтказишга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони беш нафардан ўн нафарга кўпайтириш, шу билан бирга, сиёсий партия фаолиятининг тугатилганлиги депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этиши ҳам назарда тутилди. Бундай ўзгартишлар «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ҳам киритилди.

«Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш, мамлакатни демократлаштириш соҳасидаги ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг яққол ифодасидир.

Дилшод КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Амалдаги
қонун ҳужжатлари мониторинги
институтини гуруҳ раҳбари.
Камола ҲАМИДОВА,
етақчи илмий ходим.

ЖАҲОН



АЙВОНИДА

ЧЕКИШ МАН ЭТИЛАДИ

Японияда чекишни тақиклаш тўғрисидаги қонун кучга кирди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Энди жамоат жойларида чекиш қатъиян ман этилади, тамаки маҳсулотлари савдоси кучли назорат остига олинади. Чекувчилар учун ресторан, меҳмонхона ва бекатларда атроф-муҳитга зарар етказмайдиган маҳсус чекиш хоналари ташкил этилади.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, қонунбузарларга катта миқдорда жарима солинади. Қонун ижросининг таъминлигини полиция ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари назорат қилиб боради. Қатор мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатяптики, чекишнинг тақикланиши натижасида аҳоли орасида юрак хуружи ўн бир фоиз камаяр экан.

СУНЬИЙ ҚОН ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

«Lenta.ru» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Буюк Британия олимлари эмбрион тана хужайраларидан қон яратиш технологиясига қаратилган кенг миқёсли тадқиқот ишларини олиб борапти. Эдинбург университетининг профессор, лойиҳа раҳбари Марк Тёрнернинг таъкидлашича, мазкур усул 5-10 йилдан кейин клиник амалиётга татбиқ этилиши мумкин.

АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМА

Кипрда қазилган ишлари олиб бораётган италиялик археологлар қадимги черков қолдиқларини топди. Тарихчи олимларнинг таъкидлашича, у эраимиздан 2 минг йил аввалги даврга оид бўлиб, шу пайтга қадар топилган ер юзидagi энг қадимги ёдгорликдир.

Айни пайтга қадар аниқланган бундай топилма эраимиздан аввалги мингинчи йилга тегишли эди.

НЕФТЬ ЯНА АРЗОНЛАШДИ

«Reuters» ахборот агентлигининг хабарига кўра, жаҳон товар хом ашё биржаларидаги навбатдаги савдоларда нефть баҳоси яна арзонлашди. Масалан, Нью-Йорк биржасида WTI маркали «Кора олтин»нинг бир баррели 48,41, Лондон биржасида эса 47,99 доллардан баҳоланган.

Мутахассислар бундай ҳолат АҚШ фонд биржаларидаги аҳвол билан боғлиқ эканлигини айтишмоқда.

ПОЛИЦИЯ

АКАДЕМИЯСИГА ҲУЖУМ

«Интерфакс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Покистонда қуролланган шахслар мамлакат жанубидаги полиция академиясига ҳужум уюштирган.



Икки томонлама отишмалар натижасида 20 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлиб, 50 нафари яраланган.

Ҳозирча мазкур кўпоровчилик ҳаракатини бирорта гуруҳ ўз зиммасига олмаган.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

ТАДБИРКОРЛАР
ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўтган йили мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор ривожланди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкни янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг туширилиши, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши иқтисодиёт изчил ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Бунга Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва шу йил республика Вазирилар Маҳкамаси мажлисида кичик бизнес ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, жорий йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш масаласининг кўриб чиқилиши асос бўлди.

Ана шу кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда Давлат ёнгин нazorати хо-

димлари текширишларни қисқартириш, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Савдо-саноат палатаси ва жамоатчилик кенгаши ходимлари билан ҳамкорликда вилоят, шаҳар-туман ҳокимликларида тадбиркорлар иштирокида семинар-йиғилишлар, учрашувлар ўтказилди. Бундан ташқари, бевосита жойларда тадбиркорлар билан суҳбатлар уюштирилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асосиз аралашининг олдини олиш мақсадида жойларда бевосита мулоқотлар уюштирилиб, телекўрсатувлар, радиоэпиттиришлар тайёрланди, газеталар саҳифаларида мақолалар ёритилиши ташкиллаштирилди.

Агар 2005 йилда Давлат ёнгин нazorати томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширувлар сони 12968 тани ташкил этган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 32,6 фоиз қисқартирилишига эришилди.

Ўтган йилги текширувлар таҳлили шуни кўрсатдики, кўнгилсизликлар асосан ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, ёнгин нazorати ходимлари берган кўрсатмаларга раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг бепишандлик билан қараши, шунингдек, фуқаролар ёнгин чиққанда уни ўчириш, бартараф этишнинг энг олдин усулларини ҳам билмасликлари оқибатида келиб чиққан. Агар маълум қоидабузарлик юзасидан вақтида чора-тадбирлар кўрилмаса катта моддий талафотлар кўрилиши, одамлар қуйиш тан жароҳати олиши, ҳатто, оламдан бевақт кўз юмиши мумкин. Буни унутмаслик зарур.

Хўжалик юритувчи субъектлар вилоят, шаҳар, туман ёнгин хавфсизлиги бўлинмалари муҳандис ва инспекторлари таркибига мансуб, амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларни билиш юзасидан синовдан ўтган, текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олган ходимлар томонидан текширилади. Текширувни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи режа ёки дастур, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текшириш ўтказиш мuddати кўрсатилган буйруқ бўлиши шарт. Уларни маскан раҳбарига белгиланган тартибда, тилхат асосида топшириш зарур.

У. ВАФОВ,
ИИБ ЁХББ муҳандиси,
катта лейтенант.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

ХОДИМЛАР
СИНОВДАН
ЎТМОҚДА

Мамлакатимиз ички ишлар идоралари ходимлари республикамиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш каби зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун жисмонан бақувват, юқори хизмат ҳамда жанговар тайёргарликка эга бўлишлари лозим. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, шахсий таркибнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини янада ошириш мақсадида республика Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруқлари асосида ички ишлар ходимлари билан амалий ўқ отиш машғулотлари белгиланган тартибда ўтказиб келинаёпти.

Республика ИИБ Марказий аппарати соҳавий хизматлари шахсий таркибининг ўқотар куроллардан фойдаланиш маҳоратини ошириш бўйича навбатдаги амалий машғулот ҳарбий дала ўқув майлонида бўлиб ўтмоқда.

Унда ходимлар «Калашников» автомати ва «Макаров» тўппончасидан нишонга ўқ отиб, синовдан ўтишяпти.

Қ. ШОКИРОВ.

ПАЙҲОН

ҒАЛЛАНИ
АСРАЙЛИК!

Когон тумани ИИБ ходимлари томонидан бугдой майсалари нобуд қилинишининг олдини олиш учун нazorат, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Аввало, дала четлари ҳимоя тўсиқлари – четан деворлар билан ўраб олинди.

Айтиш жоизки, пайҳонга қарши курашиш тадбирларига маҳалла оқсоқоллари ва профилактика инспекторлари бошқош бўлмоқда. Туманда пайҳонга қарши кураш бўйича 9 та гуруҳ, 64 та кузатув постлари ташкил этилиб, уларга 173 нафар дала қоровуллари бириктирилган. Олиб борилаётган профилактик тадбирлар, нazorат ишларига қарамай, айрим фуқароларнинг чорва молларини нazorатсиз қолдирилиши оқибатида экин майдонларига зарар етказилмоқда.

Шу кунга қадар пайҳон билан боғлиқ 25 та ҳолат аниқланди. Жумладан, туман ИИБ профилактика инспектори, катта лейтенант Э. Салимов фуқаро С. Ашурга тегишли бўлган тўрт бош қорамол «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги Тўйбиби Худоёрова

номли фермер хўжалигининг арпа экилган даласидаги 0,7 гектар майдонни пайҳон қилаётганини аниқлади. Шунингдек, Қумрабод қишлоғилик Б. Эгам Муборак Ҳайдарова номли фермер хўжалигининг бугдой экилган даласида бир бош қорамолни ўтлатиб юганида ушланган ва тегишли тарзда ҳужжатлаштирилган. Қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Ғалла – ризқ-рўзимиз, тўкинлигимиз мезони. Уни пайҳон қилишдан асрайлик. Шундай экан дала экинлари мавсумида пайҳонга қарши курашиш нафақат ички ишлар ходимларининг, балки барчанинг инсонийлик бурчи бўлиши лозим.

Олим САИДОВ,
катта лейтенант.

Бухоро вилояти.

ТАНТАНА

МАКТАБДА
ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Хазорасп тумани ИИБ паспорт бўлинмаси ходимлари тумандаги 32-умумтаълим ўрта мактабига ташриф буюришди.

Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ш. Султонов сўзга чиқиб, қадимий анъана ва удумларимизни ўзида мужассам этган Наврўз умум-

халқ байрами маънавий меросимизнинг яққол ифодаси эканлигини, бундай қутлуғ кунда ўқувчиларга фуқаролик паспортларининг тантанали равишда топширилиши ҳам байрам шуқуқини янада бойитишни таъкидлаб ўтди.

Тантанала 16 ёшга тулган 60 нафар ўқувчига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти топширилди.

– Наврўз шуқуқи кезиб юрган кунларда ўқувчиларимизга илк бор фуқаролик паспортининг топширилиши қўшалок байрамга айланиб кетди, – дейди мактаб директори Қаландар Аминов.

Ҳа, Карвак қишлоғида ўтказилган бу тадбир ўқувчилар учун қўшалок байрам бўлди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Постда» муҳбири.
Хоразм вилояти.

Суратда: туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор Ҳ. Қаландаров ўқувчиларга фуқаролик паспортини топширмоқда.



ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

КАРОВСИЗ ҚОЛГАН
«НЕКСИЯ»

А. Жавлон «Нексия» автомашинасини қаровсиз қолдириб, дўконга иш билан кириб кетганли. Қайтиб чиққанида машина юкхонасини очиқлигини кўриб, у ердаги нарсаларини текшириб кўрди.

Ҳамма нарса жойида, фақат... 8 миллион сўм пул солинган сумка жойида эмасди. Жавлон вақтни бой бермай бу ҳақда зудлик билан Миробод тумани ИИБга хабар берди.

Тезкорлик билан кўрилган чора-тад-

бирлар натижасида ушбу жиноятни Яқкасарой туманида яшовчи С. Шокир содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди.

ТАЛОНЧИ ҲИБСАДА

Самарқанд шаҳар ИИБ ходимларига шу шаҳарда яшовчи К. Собирни номаълум шахс куч ишлатиш йўли билан қўрқатиб, «Нокия» русумли уяли телефонини олиб кетганлиги ҳақида ариза келиб тушди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни 1976 йилда тутилган Б. Нозим содир этганлигида гумонланиб ушланди.

МАСТЛИК ОКИБАТИ

Фарғона шаҳрида яшовчи Д. Олег дўстлари билан улфатчилик қилиб, маст ҳолда уйга кетаётганда, йўлда номаълум шахс уни дўппослаб, ёнидаги пулларини олиб кетди. Фарғона шаҳар ИИБ ходимлари томонидан кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни 1975 йилда тутилган С. Комил содир этганлиги аниқланиб қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЗАНЖИРНИ
ЮЛИБ ҚОЧДИ

Хоразм вилоятида яшовчи Б. Дилноза уйига қайтаётганда бир талончи бўйнидаги занжирни юлиб қочди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни М. Жўра содир этганлиги аниқланиб қўлга олинди. Меҳнат қилиб пул топишдан бўйин товлаб, эгри йўл билан кун кечирини мақсад қилган ушбу шахс энди қонун олдида жавоб беради.

Е. БОБОЖОНОВ,
сафдор.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА «ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

**ОТА-ОНАЛАР
ҲАМ МАСЪУЛ**

Тадбир Қорақалпоғистон Республикасида ҳаракат хавфсизлиги хизмати ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирокида уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

– Бу борадаги тарғибот-ташвиқотларга алоҳида эътибор берилганга қарамай, йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти пиёдалар билан боғлиқ эканлиги ташвишлидир. Жорий йилнинг ўтган даврида қайд этилган ҳолатларга назар ташласак, етти киши ҳаётдан кўз юмган, 22 нафари турли даражада тан жароҳати олган, – деди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЙҲХБ катта инспектори, капитан Муратбай Дарибаев.

Шу йил 15 март куни «Кўнгирот – Мўйноқ» йўлининг 104-километрида кўнгиротлик Курбанбай Утеуов шошиб йўлни кесиб ўтишга уринганда Кобейсин Жангелдиев бошқарувидаги «Москвич-412» русумли автомашинаси уни уриб юборди. Натижада пиёда тан жароҳати олиб, касалхонага тушади. 1946 йилда туғилган Шайдахан Сейтбекова эса Нукус шаҳрининг Тўрткўл гузари йўлининг дуч келган жойидан кесиб ўтишга ҳаракат қилганида Қуралбай Ибодуллаев бошқарувидаги «Дамас» русумли автомашина томонидан уриб юборилди. У олган тан жароҳати оқибатида соғлиги маълум даражада бузилишига сабаб бўлган. Болалар назоратсиз қолиши ва ота-оналарнинг масъулиятсизлиги ҳам шу каби кўпол қоидабузарликларни келтириб чиқармоқда.

Шу йил 17 март куни «Дамас» русумли машинани бошқариб бораётган Ўктам Мадаминов Тўрткўл тумани Ш. Рашидов номли овул-

фуқаролар йигини худудидан 1996 йилда туғилган Дилшод Сабуровни уриб юборди. Ўсмир тан жароҳати олиб, касалхонага тушади.

– Таҳлиллар шуни кўрсатадики, йўлларда ҳаракатланиш қоидаларининг кўпол равишда бузилишига кўпинча пиёдалар ҳам сабабчи бўлади. Биз истаймизми-йўқми, уйдан кўчага чиққанимиздан сўнг ўз-ўзидан йўл ҳаракати иштирокчисига айланамиз. Афсуски, бу жараённинг масъулиятини кўпчилик чуқур ҳис этмайди. Энг ачинарлиси, ўзимиз англаб етмагандан кейин, буни болаларимизга ҳам ўргатаймиз. Фарзанд наинки тарбияни, балки кўчада юришни ҳам катталардан ўрганади. Гўдакнинг атак-чечак қилиб юриши, боғчага ва мактабга кузатиб қўйишлар ота-онага бир олам қувонч бағишлаши табиий. Ана шу даврда йўлларда ҳаракатланиш ҳам бола қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. Демак, бу борада хато қилмаслигимиз, аксинча, фарзандларимизга ибрат бўлишимиз керак, – дейди Тўрткўл тумани ИИБ бўлими бошлиғи, майор Баҳром Худойбергенов.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»га кенг жамоатчилик жалб этилиши, шубҳасиз тадбир самарадорлигини оширади. Бунда фаоллик муҳим омил эканлигини унутмайлик.

**Дурдибой
Худойшукуров,
«Постда» мухбири.**

Қорақалпоғистон
Республикаси.

**ҲАР БИР ТРАНСПОРТ
НАЗОРАТДА**

Мамлакатимиздаги йирик халқаро автомобиль йўлининг бир қисми Сирдарё вилояти худудидан ўтади. Айни кунларда давом этаётган ҳаракат хавфсизлиги ойлигида бу йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракатини назорат қилиш янада кучайтирилди. Мамлакатимизнинг жанубий вилоятларидан пойтахт томон келаётган ва Тошкент шаҳридан кетаётган энгил ҳамда юк автомашиналарининг белгиланган тартибда ҳаракатланиши, ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этишларини назорат қилиш учун вилоят ИИБ ЙҲХБ ходимлари куну тун сергақлик билан хизмат қилмоқдалар.

Шунингдек, жойларда профилактик ишларга ҳам катта эътибор берилляпти. Айниқса, болалар боғчалари, мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртрларида йўл ҳаракати қоидалари бўйича суҳбатлар уюштириш уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Биринчи гада пиёдаларнинг йўлларда ҳаракатланиш тартиби бўйича амалий машғулотларга кенг ўрин берилляпти. Йўл-патруль хизмати ходимлари йўл ҳаракати қоидаларини амалий тарзда тушунтириб, машғулот ўтишияпти.

Шунингдек, автомашиналарнинг техник жиҳатдан созлиги ҳам назардан четда қолмаяпти. Чунки содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг бир қисми айнан автомашиналарнинг техник носозлиги оқибатида рўй бермоқда. Шу боис вилоятдаги барча корхона, ташкилот ва муассасалардаги мавжуд транспорт воситалари текширувдан ўтказилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

**ПИЁДА
УМРИНГ БЎЛСИН ЗИЁДА**

Кечки пайт одамлар ишдан, ўқишдан уйга томон ошиқадиган маҳал бўлгани ёки транспорт кўплиги учунми ҳаракат тиғиз. Чорраҳадаги йўлчироқ яшил ёнарди. Пиёдалар қимирлаб қолишди. Йўл-йўл чизиқлардан ўтиб бўлишгач сариқ, сўнг эса қизил ёнди. Шу тобда бир йигит тақиқловчи чироқда йўлни кесиб ўтишга уринди. Ҳаворанг «Нексия» машинаси гилдиракларининг чиқилган овози эшитилди. Аммо машина пиёданни туртиб юборди...

Одатда йўл-транспорт ҳодисаси юз берса, дарров ҳайдовчини айблай бошляймиз. Шўрлик пиёда жабр кўрибди, дея ачинамиз. Бироқ ҳаракатланиш жараёнида уларнинг ҳам-муайян қоидаларга амал қилиши ксраклигини унутиб қўямиз, гўё. Йўл ости йўли бўлатуриб кўчанинг серкатнов жойини кесиб ўтиш ёки панжаралар уларга чўт эмаслиги айни ҳақиқат.

«Чилонзор» буюм бозори дарвозаси рўпарасида тайёр ер ости йўли қолиб, баланд панжарага тирмашайтган аёлларга кўзимиз тушди. Бу хунук манзара иштирокчилари ҳам пиёда. Ўз ҳаётипи хавф остига қўяётганлигини билатуриб, қоидабузарлик содир этаётганига қандай баҳо бериш мумкин?

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ 3-дивизиони 1-сарфарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори, сержант Азамат Иззатуллаев Бобур – Усмон Носир кўчалари кесилган чорраҳада хизмат олиб бормоқда. Нафақат транспорт йўналиши, балки пиёдалар ҳаракатини ҳам тартибга солиш унинг вазифасидир.

Йўл-патруль хизмати ходимининг ҳушгаги чалиши. У кўчанинг қоқ ўртасида, йўлни кесиб ўтаётган қиз томонга қараб юрди.

– Кечирасиз, нега ер ости йўлидан ўтмай қоида ни бузаясиз? – сўради ходим ундан.

– Жуда шошиб турган эдим, – деди пиёда ўзини Тошкент Ахборот технологиялари университети талабасиман, деб тапиштирар экан. – Энди қоида ни бузмайман.

– Республикамизда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» бўлаётганидан хабарингиз борми?

– Йўқ, – деб жавоб берди талаба ва бундан кейин фақат пиёдалар ўтиш жойидан юриш, йўл ҳаракати

қоидаларига қатъий амал қилишга ваъда берди.

Шу пайт яна бир қоидабузар нафақат ўзи, балки болалар арачасидаги гўдакнинг ҳаётипи хавф остига қўйиб, йўлни кесиб ўтишга уринди. ЙПХ инспектори унга ҳам танбех берди.

– Айрим пиёдалар қоида ни бузади-да қочиб кетади, бошқа бирлари эса жарима солишга ҳужжати бўлмади, – деди сержант Азамат Иззатуллаев. – Шунинг учун ҳайдовчилардан кўра, пиёда-

роқ бўлиши талаб этилади.

Бу икки пиёдаларнинг икки хил жавоби бизни ўйлантириб қўйди. Негаки, айрим фуқароларимизнинг мамлакатимизда рўй бераётган жараёнларни билмаслиги ёки билса-да ўта бепарволиги кишини ажаблантиради. Бу ҳаётий муҳим тадбир қанчалик аҳамиятли эканлиги, йўлларда ҳаракат хавфсизлигига барча бирдек жавобгарлигини унутмаслик, бунинг фаол иштирокчиси бўлиш юртимизда яшаётган ҳар бир кишининг бурчидир. Буни асло унутмаслигимиз зарур.

**ЙЎЛ ҚОИДАСИ –
БАРЧА УЧУН**

Жорий йилнинг 25 мартгача пиёдалар томонидан пойтахтимизда 9 мингдан зиёд қоидабузарлик содир этилган. Шунингдек, бевосята пиёдаларни уриб юбориш, тан жароҳати етқа-

Акс ҳолда кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши мумкин. Пиёда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиши учун уни билиши керак. Бугунги кунда мактабларда 17 соатлик йўл ҳаракати қоидалари машғулотлари жорий этилган. Ўқувчилар, боғча болалари ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ҳамда ЙТХнинг олдини олиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадида барча таълим муассасаларига ЙПХ инспекторлари бириктирилган. Ёш пиёдалар билимини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Автомобилдан сақланиш» стендини ташкил этиш, ҳаракат хавфсизлиги ҳафталиги ва «Диққат, болалар!» тадбирлари давомида ўқувчилар ўртасида тест синовлари ўтказиш, диктант ва иншо олиш йўлга қўйилган.

Бундай саъй-ҳаракатлар



лар билан ишлашимиз кийинроқ.

**ОЙЛИК ҲАҚИДА
ФИКРЛАР**

Бунёдкор – Муқимий кўчалари кесилган чорраҳада ЙПХ инспектори, сержант Мурод Эшмирсасов бир пиёданни тўхтатиб, «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» тўғрисида сўраганида:

– Менимча бу тадбир ички ишлар идораларига тааллуқли бўлса керак, – деди.

Бошқа бир йигит Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицей ўқувчиси эканлигини айтиб, саволга қуйдагича жавоб берди:

– Албатта биламан. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан ойлик мамлакатимиз бўйлаб ўтказилляпти. Бунда ҳар бир фуқаронинг янада эътиборли-

зиш, улим ҳолати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча камайган. Аммо ҳамон кўнгилсиз ҳолатлар содир бўлиб турибди. Эътиборсизлик оқибатида қанчадан-қанча инсонлар жабр кўраётгани айни ҳақиқат. «Йўл қоида си – умр фойдаси» деган ҳаётий ақидага амал қилиш зарурат эканлигини афсуски айримлар унутиб қўймоқда.

**ТАРҒИБОТ-ТАШВИ-
ҚОТГА ЭЪТИБОР
ҚАРАТИБ**

– Биласизми, кўчада ҳайдовчи ва пиёда асосий ҳаракат иштирокчилари ҳисобланади, – деди Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлини маси бошлиғи, майор З. Сайдашев. – Ҳайдовчи ва пиёда бир-бирини ҳурмат қилиши лозим.

аввало, ёш авлод йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчисига айланмаслиги ҳамда кўчаларда хавфсизлик қоидаларига амал қилишига қаратиш.

**ЙЎЛИНГИЗ
БЕҲАТАР БЎЛСИН**

Эрталаб ишга отланган киши кексалардан ана шундай дуо олишга ҳаракат қилади. Бундай эзгу ният замирида чуқур маъно бор. Зеро, ҳаётимиз бевосята йўл билан боғлиқ. Пиёда сифатида салгина хатога йўл қўйиш эса, ниҳоятда қимматга тушиши мумкин. Кўпинча вақтимизни қисқартиришга уринамизу бу билан ўзимиз ёки бировнинг умрига зомин бўлишимиз мумкинлигини ҳаёлга ҳам келтирмаймиз. Наҳотки тайёр ер ости йўлидан хоғиржам юриб, серкатнов йўлининг нариги томонига ўтиб олиш малол келади.

Келинг, шошма-шошарликка йўл қўймай, йўлчироқ ва йўл белгиларига эътиборли, ҳушёр ҳаракатланишга одатланайлик. Шундагина йўлимиз раван, ҳаётимиз мунаввар бўлади.

**Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» мухбири.
Абу КЕНЖАЕВ
олган суратлар.**



СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ САБОҚ

ПАРЛАМЕНТДАГИ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИ

Ватанимиз мустақиллиги йилларига эътибор берсак, республикамиз ҳаётининг барча жабҳалари қатори сиёсий партиялар соҳасида ҳам ўзига хос эволюцион юксалиш босқичларини яққол кўриш мумкин. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда мустақил юрт, жамият руҳига мос бўлган сиёсий партиялар мактаби яратилди, шакллантирилди ва ривожлантирилди. Ислохотлар натижасида айни пайтда республикамизда тўртта сиёсий партия фаолият юритмоқда. Мазкур сиёсий партиялар номланиши, йўналиши, аъзоларининг хилма-хиллигидан қатъи назар ўзларининг барча савий-ҳаракатларини бир асосий мақсад – мустақил Ўзбекистон Республикасининг бугуни, эртаси ҳамда порлоқ истиқболи йўлида сафарбар қилдилар ва қилмоқдалар.

риштирувлар жараёнидаёқ захри қотилни қаердан ва кимдан олганликларини яшириб ўтирмадилар. Тезкор гуруҳ эса шу кунгек «Овчи» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Қоратепа қишлоғига йўл олди.

Холислар иштирокида ўтказилган текширувлар чоғида М. Ҳакимнинг хонадонидан ичида нашага ўхшаш кўк рангли гиёҳвандлик моддалар бўлган, бир литр сигимли 15 дона ниша идиш топилиди.

Айни пайтда мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётир.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.

Фарғона вилояти.

МУНОЗАРА УЧУН МАВЗУ

УЯЛИ ТЕЛЕФОН

ҳаёсизликни тарғиб қилувчи буюмга айланмасин!

Инсоният тараққиёт йўлидан мудом дадил одимламакда. Сўнгги ўн-ўн беш йил ичида биргина замонавий ахборот технологиялари соҳасининг ўзида оламшумул кашфиёт ва ютуқлар қўлга киритилди. Оддийгина уяли телефон апаратини олайлик. Ўтган асрнинг 90-йилларида кишиларни ҳайратлантирган симсиз сўзлашиш бугунги кунда оддий кундалик эҳтиёжга, турмуш тарзинининг ажралмас бир қисмига айланиб кетди ва ҳеч кимни ажаблантирмай кўйди. Мамлакатимизда ўнга яқин уяли алоқа хизмати кўрсатувчи компаниялар муваффақият билан фаолият олиб бормоқда. Уяли телефон кириб бормаган хонадон қолмади ҳисоб. Алоқа хизматининг бу тури урфга айланганини ҳатто умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиси ҳам бундай имкониятдан фойдаланаётганида кўриш мумкин ва бу табиий жараён. Аммо гап бу хусусида эмас.

Маълумки, ўн-ўн беш йил илгари олиб юришга ноқулай, йирик ва кўрimsиз телефон апаратларидан фойдаланилар эди. Йил сайин уларнинг дизайн ва вазифаси жиҳатидан мукамал авлодлари яратилмоқда. Дастлабки авлодга мансуб уяли телефон апаратлари ягона мақсад – фақатгина сўзлашув учун хизмат қилган бўлса, замонавий телефон апаратлари асосий вазифасидан ташқари, диктофон, радио, фото ва видеокамера вазифасини ҳам ўтамоқда. Улар воситасида матн, сурат, видеолар, мусиқа ёзиш, тайёрлаш, сақлаш, кўчириш, жўнатиш ва кўпайтириш сингари кўплаб қўшимча имкониятлар вужудга келди. Ишлаб чиқарувчилар томонидан турли афзалликларга эга бундай апаратларнинг яратилиши замирида рақобат муҳити ҳукмрон бўлган истеъмол бозорини забт этишга бўлган интилиш ётганини англаш қийин эмас. Қолаверса, зарурат ту-

тилган кезларда кишиларнинг юқорида саналган қўшимча қулайликлардан фойдалангани таҳсинга лойиқ. Бироқ бундай ишлаб чиқариш ютуқларининг барчаси қанийди фақат эзгуликка хизмат қилса... Яқинда жамоат транспортда ўрта ёшли бир йигит билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. У телефонда эл суйган ҳофиз ижросидаги қўшиқни тинглаб кетарди. Беихтиёр телефон апарати экранига кўз ташладим. Не кўз билан кўрайки, машҳур ҳофиз ўрнига... гитара тутган сариқ мушук бошини оҳангга мос тебратарди. Кулишни ҳам, куйишни ҳам билмай ҳайрон тургандим, ҳамроҳим ўзича изоҳ берди: «Бу бир приколда, ака!» Афсуски, бундай бачкана, шахсни таҳқирловчи, ҳамроҳим айтмоқчи «прикол» клипплар ҳолва экан. Айримлар уяли телефонларига беҳаё сурат ва видеоларни бемалол ёзиб олиб, ўзларининг замондан орқада эмасликларини кўз-кўз қилишга уринаётгани гоёят аянч-

ли ҳолдир. «Оммавий маданият» лойқасига мансуб бундай шармсиз, миллий менталитетимизга ёт унсурлар ёшларимизнинг қўлига осонлик билан тушиб, уларнинг онгини заҳарлаётгани чинданам ташвишланарлидир. Исталган ҳажмдаги исталган маълумотни, у мусиқа бўладими, фильм бўладими ёки бошқа нарса, симсиз – «Блутз» («Bluetooth menu») кўчириб олиш воситаси ёрдамида иккинчи бир телефон апаратига ўтказилиши мўъжиза, албатта. Аммо уяли телефоннинг кенгайиб бораётган бундай ноёб имкониятларидан қабих мақсадлар йўлида фойдаланиш юмшоқ қилиб айтганда аблаҳликдан бошқа нарса эмас. Яқинда гуруҳ бўлиб номусга тегиш ҳолати акс этган видеоролик телефонга кўчириб олиш воситасида ёшлар ўртасида тарқалгани хусусидаги маълумотга эга бўлдик. «Пахта-2008» деб номланган бу жирканч манзара айнан уяли телефон апарати камераси ёрдамида суратга олинган

ҳамда тарқатилган эди. Албатта, жиноятни содир этган шахслар қидириб топилиб, қилмишига яраша жазосини олиши муқаррар. Хўш, жиноят ва ҳаёсизлик тасвирланган бундай видеороликларни тарғиб этишдан кўзланган мақсад нима? Ёшларнинг кизиқувчанлигидан фойдаланиб, катта йўл бошида уларга зўравонлик, жангарилик, босқинчилик ва порнографияни жозибадор қилиб кўрсатишдан кимлар манфаатдор? Саволлар кўпу уларга жавоб излаш, топиш муҳимроқ. Ёш авлоднинг онгига миллий ўзлгимизга ёт, бузуқ гоёларни тикиштириш, турли бўлмағур фикрлар билан уларни заҳарлаш ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу хусусида биринчи галда ота-оналар, ёшларимиз таълим-тарбиясига масъул устоз-мураббийлар, виждони уйғоқ, юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқаро қайғуриши, жон койтиши зарур. Зеро, тиббиётчилар айтмоқчи, касални даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул. Нафсиларини айтганда, уяли телефон аввало муҳим сўзлашув воситаси экан, уни ҳаёсизликни тарғиб этувчи ва ёш авлод тарбиясига путур етказувчи буюмга айлантириб қўймайлик!

Норали АСЛОН.

ҲАР КИМКИ ЖАФО ҚИЛСА...

Рашид «Нексия» олдию, босар-тусарини билмай қолди. У гоҳ Термиз шаҳри, гоҳ Музработда пайдо бўларди. Эндигина йигирма баҳорни қаршилайётган бу бадавлат йигитга кимдир ҳавас, кимдир ҳасад билан қарарди. У ошхона хизматчиси Тожинисонинг ҳам диққатини тортди.

ташқари бирон нарса ундиришни ўйларди. Айниқса, уй сотиб олиш фикри унга тинчлик бермасди. Шу мақсадда у Рашиднинг машинасида турган бир даста ҳужжатларни сумкасига солиб қўйди. Унда машинанинг техник насорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси бор эди. Рашид бу ҳақда гап очганда у аввалига бўйнига олмади, сўнгра эса муддаога кўчди.

— Кўнгиллари нима тусайди? — деди Тожинисо овқатланиш учун ошхонага келган Рашидга такалдуф билан. — Бу-юрсинлар, истакларини дарров ҳозир унозир қиламан.

— Мен истаган нарсани топишнинг иложи бўлмас-чи? — деди Рашид унга синовчан назар ташлаб.

— Тортинмай айтаверинг, бу дунёда иложсиз нарсанинг ўзи бўлмас керак, — деди Тожинисо.

— Тузукроқ парипай-карлардан топилмайдими мабодо? — йигит гапнинг индалтосига кўчди.

Тожинисо унга Насибанинг телефон рақамини айтди. Рашид телефон орқали Насибани топти. Кўҳликкина, бир қарашда мана-ман деган йигитни ўзига ром эта оладиган бу жувон унга ёқди. Аслида Насиба Рашиддан қарийб бир мучал катта бўлиб, ёшлари орасидаги бундай тафовут уларнинг муносабатига монелик қилмасди. Насиба учун ҳам бу айни муддао эди. У ёш, пулдор. Фермер хўжалиги бошлиғи майда-чуйда муаммони дарҳол ҳал этади. Айниқса, бирон жойдан уй-жой сотиб олиш керак бўлса, унинг ёрдами асқотади, деб ўйларди Насиба.

Рашид уйланган, ойдек хотини, икки нафар фарзанди бор. Болалари бирам ширин, бирам ширин. У кеч қолди дегунча фарзандлари ва умр йўлдоши Мавлуда йўлга қарарди. Шундай кезларда Мавлуда эри бирор-бир аёл билан дон олишмаяптимики, деган шубҳага ҳам борар, аммо тезда кўнглидаги гўбор тарқалиб кетарди. Турмуш ўртоғи дала, банк, рўзгор юмушлари деб қанчалар елиб югураётганини кўриб ҳаёлида кечган ўйлардан хижолат чекарди.

Насиба жазманини тез-тез кўргиси келар, у билан кўнгилхушлик қилишдан

сумкасига солиб қўйди. Унда машинанинг техник насорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси бор эди. Рашид бу ҳақда гап очганда у аввалига бўйнига олмади, сўнгра эса муддаога кўчди.

— Уй оламан, 1 млн. 700 минг сўм пул беринг, — дея у муғомбирона эркаланди. — Ҳужжатларни ҳам топиб бераман. Акс ҳолда номусимга текканингиз ҳақида хотинингиз билди. Ҳужжатларни йўқ қиламан, тегингли жойга арз қиламан.

У режалаштирган шум ниятини амалга ошириш вақти келганига ишончи қомил эди. Рашид Насибанинг гапларидан ўтақаси ёрилди. Чунки у талаб қилган бунча пулни қасрдан олади?! Оқибатда нкковининг орасидан қора мушук ўтди.

Воқеадан Рашиднинг хотини Мавлуда, унинг акаси Раҳим, синфдоши Одил ва бошқалар хабар топишди. Фирибгар, товламачи Насиба ҳамон режасини амалга ошириш учун турли найранглари ўйлаб тонарди. Сабри тутаган Раҳим бу тўғрисида ички ишлар илорасига мурожаат этишга аҳд қилди.

Икки марта судланиб, ўзига тегишли хулоса чиқармаган Насиба кирган кўчанинг охири берк эди. Бу ишга ички ишлар ходимлари аралашди. Айтилган пулни олиш жараёнида у қўлга тушди. Ҳужжатлар эгаларига қайтарилди. Қўлига кишан урилганда Насиба минг бир баҳонани рўқач қилди. Аммо энди кеч бўлган, унинг ёлғонларп, ҳийлаю найранглари иш бермасди. Бу фирибгарга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Азизжон ЗОКИРОВ, лейтенант.

Сурхондарё вилояти.

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

УЧ ЭШКАКЛИ ҚАЙИҚ

Бунақасини кўрмагансиз, а? Биз эса кўрдик. Уни наманганлик Ҳасан Ҳомидов, Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида истиқомат қилувчи Муҳаммадали Раҳмонов ва асакалик Нормаммад Комиловлар бошқаришди. «Қайиқ» аслида институт томон йўл олган эди. Бироқ «Вилоят ички ишлар бошқармаси» деб аталган бекатда жойидан қўзғалолмай қолди. Нега, дейсизми? Унда қуйидаги воқеани эшитинг.

Ҳасан гарчи ҳеч қаерда ишламаса-да, топиш-тутиши яхши эди. У абитуриентларнинг ўқишга киришларига ёрдам бериб, пулини олади. Муҳаммадали бир пайтлар коллежда ишлаганди. Кейин эса репетиторлик билан шуғулланди. Унга фаннинг аҳамияти йўқ. Бир пайтнинг ўзида математика, инглиз ва ўзбек тилларидан сабоқ бераверади. Аслида қайси фан ўқитувчиси бўлгансан, дейдиган одам топилмаган. Нормаммад эса Андижон муҳандислик иқтисодиёти институти қошидаги Акаде-

мик лицейда директор ўринбосари. Мамлакатимизда олий ўқув юрларига кириш адолат мезонига асосланганлигини у ҳаммадан яхши билади. Шундай бўлса ҳам қинғир йўлга бош суқмай туролмайди. Виждони бойликка алиштириш унинг учун чўт эмас.

Хуллас, уч йигитни бир мақсад бирлаштирди. Абитуриентларга «ёрдам» бериб, жарақ-жарақ пул эвазига уларнинг «ҳожат»ини чиқаришни дилларига тугишди. Тез орада уларнинг қармоғига ўн уч нафар талаба

бўлиш орзусидаги йигитлар илинишди. Уларнинг ҳар биридан 1500 дан 3500 АҚШ долларигача бўлган маблағ талаб қилинди.

Имтиҳонлар бошланди. Ҳасан Андижондаги институтларда таҳсил оладиган Низом Жўраев, Абдор Раҳматиллаев, Санжар Эргашев ва Ҳусниддин Маҳмудовни ишга солди. Бу талабалар баъзи абитуриентларга ўхшаганлиги боис уларнинг ўрнига имтиҳонга киришди. Нозим Жўраев эса уяли телефони орқали бошқа абитуриентларга яқиндан кўмак бериб турди.

Бадниятли уч йигит абитуриентлардан 13 млн 300 минг сўмдан ортик пул ундиришган эди. Қолганини улар талаба бўлганларидан сўнг олишга келишиб қўйгандилар. Ички ишлар ходимлари эса уларнинг қилмишларини фош этишди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА, Андижон вилояти.

БОЛА ЕТАКЛАГАН АЁЛ

Аёлларга нисбатан ҳамиша энг гўзал таърифларни ишлатишга одатланганмиз. У – мунис ва меҳрибон, муътабар эди. Аслида ҳам шундай. Бироқ аёл жиноятга қўл урса-чи?

Кувасойлик Шаҳнозага нисбатан ҳам гўзал таърифларни бериш мумкин эди. Аммо у жиноятга қўл урди. Марғилон

шаҳридаги бир танишидан героин моддасини харид қилганида каттароқ пулга сотиб, фойда орттириш нияти унга тинчлик бермасди. У елим халтага ўралган захри қотилни олиб Фаргона шаҳрига келганида ҳаёлига бир фикр келди. «Шаҳарда яшайдиган опамнинг қизчасини етаклаб олсам ҳар ҳолда хавфсизроқ кетаримдим? Агар кимдир шубҳаланиб қолса, героинни жиянимнинг кийими ичига беркитиб қўяман. Ҳеч ким пайқамайди», дея ўйлади у.

Шаҳноза шундай қилди ҳам. Опасига

учрашиб, жиянини ўзи билан меҳмонга олиб кетиш истагини айтди. Опа рози бўлди. У синглисининг ниятидан беҳабар эди.

Фаргона шаҳридаги деҳқон бозорига савдо қилгани кирган Шаҳноза захри қотилни режалаштирганидек жиянининг чўнтагига сездирмай солиб қўйди. Шундан сўнг бозордан чиқиб, «Матиз» русумли автомашинага ўтирди-да, Кувасойга равона бўлди.

Худудда махсус тадбир ўтказаетган шаҳар МХХ ва ИИБ ходимлари томонидан у кетаётган машина тўхтатилди. Шаҳноза пухта ўйлаган режаси иш беришидан умидвор эди. Йўқ, ундай бўлмади. Хуқуқ-тартибот ходимлари шубҳаланиб, аёл ва болани кўздан кечирдилар. Шу ерда унинг режаси-ю, ҳаёлларига нуқта қўйилди. Қизчанинг чўнтагига беркитиб қўйилган оғу холислар иштирокида фош этилди.

И. НИЁЗОВ, лейтенант.

Фаргона вилояти.

КИКБОКСИНГ

ШОҲСУПАДА —
ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида кикбоксинг бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 300 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди.

Мазкур мусобақада республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарида куриклашни таъминлаш бўйича Алоҳида милиция батальони ходимлари муваффақиятли қатнашиб, сов-

риндорлар сафидан жой олишди.

Беллашувларда барча рақибларни мағлубиятга учратган сафдор Марат Алимбетов (86 кг.), катта сержант Бекмурод Новчаев (+100 кг.) шохсупанинг биринчи поғонасига кўтарилишди. Сафдорлар Адҳам Розиков (+90кг.), Жўрабек Жўраев (79 кг.) ҳамда ички ишлар идораларига номзод Раҳматилла Абдуҳакимов (75 кг.) кумуш, кичик сержант Улуғбек Раҳмонов (79 кг.) ҳамда сафдор Мирзоҳид Мирзокиров (70 кг.) эса ўз вазн тоифаларида бронза медалини қўлга киритди.

Ғолиблар фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ф. АЗИЗОВ.



Суратда: мусобақа ғолиблари мураббийлари билан бирга.

А. ҚЎЗИБОЕВ олган сурат.

Тошкент шаҳри.

МИНИ-ФУТБОЛ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭББга қарашли тергов ҳибсхонасида хизмат пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг хотирасига бағишланган мини-футбол мусобақаси ўтказилди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Тадбирга марҳум ходимларнинг оила аъзолари таклиф этилди. Мусобақа бошланиши олдида юртимиз тинчлиги-осойишталигини сақлаш йўлида ҳалок бўлганлар хотираси ёдга олинди.

Мусобақа қизгин ва мурасисиз руҳда ўтди. Саккиз жамоа орасида бўлиб ўтган беллашувлардан сўнг финал босқичида тергов ҳибсхонаси ҳамда куриклаш отряди жамоалари ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Биринчи ўринни тергов ҳибсхонаси, иккинчи ва учинчи ўринларни эса, куриклаш отряди мини-футболчилари эгаллашди.

Ғолиб жамоа ҳамда яхши ўйин намойиш қилган спортчиларга фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

М. ОХУНОВ,
майор.

Наманган вилояти.

АМАЛИЙ СПОРТ

ЧАҚҚОНЛАРГА
НАСИБ ЭТДИ

Наманган вилояти «Динамо» спорт мажмуасида ёнгин ўчириш хизмати ходимлари ўртасида амалий спорт мусобақалари ўтказилди. Унда 11 та жамоа аъзолари ғолиблик учун баҳс олиб боришди.

Мусобақада барча туманлардан келган жамоа аъзолари беш босқич: ишғол қилиш нарвонида тўртинчи қаватга кўтарилиш, 100 метр масофага тўсиқлар оша югуриш, сурилма нарвонидан учинчи қаватга кўтарилиш, ўт ўчирувчилар эстафетаси ҳамда жанговар ёйилиш турлари бўйича ўзаро куч синашишди.

Икки кун давом этган баҳсларда ҳар томонлама устунликни қўлдан бермай келган Наманган шаҳар ИИБ ЁХБ 2-ЎХЭК жамоаси ғолиб, деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Учқўргон тумани ҳамда Қосонсой тумани ИИБ ЁХБ жамоаларига насиб этди.

Беллашувларда шунингдек, Чортоқ тумани ИИБ ЁХБ 2-ЎХЭК ходими Д. То-

жиаҳмедов, Наманган шаҳар ИИБ ЁХБ 2-ЎХЭК ходимлари сафдорлар — А. Шокиров ва М. Мирзахонов шахсий биринчиликда ғолиблик шохсупасига кўтарилишди.

Шу куни нафақат ғолибларга, балки мусобақада фаол иштирок этган барча ходимларга фахрий ёрликлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундан ташқари, вилоят ИИБ ЁХБнинг шаҳар ва туман бўлинмаларида тўп йиллар фаолият олиб борган фахрийларга ҳам тадбир баҳонасида дастурхон ёзилиб, ўз навбатида, уларга раҳбарият томонидан эҳтиром кўрсатилди.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

МЕРГАНЛАР
БАҲСИ

Нишонга ўқотиш бўйича «Гранпри Кипр» халқаро турнирида ғолиблар номи маълум бўлди. Аёллар ўртасидаги яккалик баҳсларда Германия вакили Бринкер шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади. Иккинчи ҳамда учинчи ўринлар Шакирова (Россия) ва Ларссон (Швеция)га насиб этди.

ТОҒ ЧАНҒИСИ
ҒОЛИБЛАРИ

Тоғ чанғиси бўйича Жаҳон чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Бу мавсумда швециялик спортчи Хелена Йонссон ҳамда германиялик Кати Вильхельмлар 952 очкодан тўплаб мусобақа жалвалининг энг юқори поғонасидан жой олди. Норвегия вакили Тора Бергер эса учинчи ўринни эгаллади.

БЭКХЕМ — ЭНГ БОЙ
ФУТБОЛЧИ

«Милан» жамоаси ярим ҳимоячиси Дэвид Бэкхем энг кўп маош туланидиган футболчилар рўйхатини кетма-кет иккинчи йил бошқармоқда. Бэкхемнинг бир йиллик ларомати 32,4 миллион евро ташкил қилади. Рўйхатнинг иккинчи ва учинчи ўринларини Лионель Месси («Барселона») ҳамда Роналдиньо («Милан») эгаллади. Шунингдек, кучли ўнликдан Криштиану Роналду («Манчестер Юнайтед»), Анри («Барселона»), Кака («Милан»), Златан Ибрагимович («Интер») ҳам жой олган.

МАРАДОНА
ПАНД ЕДИ

Футбол бўйича Жаҳон чемпионати — 2010 га саралаш босқичида Боливия терма жамоаси ўз майдонида Аргентина термасига қарши тўп суриб, меҳмонлар устидан йирик ҳисобда ғалаба қозонди. Учрашувда Диего Марадона шогирдлари 6:1 ҳисобида имкониятни бой берди.

ПОЛВОНЛАР
КУРАШИШДИ

Вильнюс шаҳрида эркин кураш бўйича Европа чемпионати доирасидаги мусобақа бўлиб ўтди. 60 килограмгача бўлган вазн тоифасидаги беллашувларда ғолиблар аниқланди. Барча рақибларини енган Зелимхан Гусейнов (Озарбойжон) мусобақада биринчи ўринни қўлга киритди. Шохсупанинг иккинчи ва учинчи поғоналарини россиялик спортчи Адам Батиров ҳамда Малхаз Курдиани (Грузия) банд этишди.

ДАСТУРГА
КИРИТИЛАДИМИ?

Халқаро олимпия қўмитаси аёллар боксини 2012 йилги Олимпиада ўйинлари дастурига киритиш ёки киритмаслик масаласини шу йилнинг август ойига қолдирди. Халқаро ҳаваскор боксчилар федерацияси (AIBA) барча керакли ҳужжатларни қўмитага тақдим этди. Эслатиб ўтамиз, аёллар боксини аввал ҳам (2005 й) Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олиши учун ҳаракатлар бўлган. Бироқ ХОҚ раҳбарлари ҳали бу спорт тури дунё бўйича кенг тарқалганини инобатга олиб, рад жавобини берганли.

САЛОМАТЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

БАҲОРДА ҚЎЗҒАЙДИГАН КАСАЛЛИК

Сил — қадимдан ер юзи аҳолиси орасида муаммоли касалликлардан бири бўлиб келмоқда. Республикаимизда ҳам бу касалликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш учун кенг кўламли санитария-тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда. Сил — касаллик қўзғатувчиларининг одам организмига тушиб кўпайишидан келиб чиқадиган, сурункали кечувчи, ер юзи аҳолиси орасида кенг тарқалган юқумли касалликдир. Унинг ривожланиши ва қўзғатиш баҳор ҳамда куз ойларида кузатилади.

Касаллик соғлом одамларга ҳавотомчи ва майиний мулоқот йўлилари орқали юқини мумкин. Бемор йўталганда, аксирганда, мулоқотда бўлганда сил таёқчалари бемор организмидан ажралиб 1,5-2 метргача атрофга тарқалади ва ҳавотомчи йўли орқали атрофдаги соғлом одамга юқди. Бундан ташқари ушбу касаллик беморнинг зарарсизлантирилмаган идиш-товоқлари, ўрин-кўрпалари, шахсий гигиена воситаларидан соғлом одамнинг фойдаланиши натижа-сида юқиши мумкин. Бемор организмидан ажралиб чиқадиган сил таёқ-

чалари хона поли, жиҳозлар, гиламлар ва бошқа жойларда бир неча ойлаб сақланиши мумкин. Айни баҳор пайтида уй хоналар тозаланиб, гилам, шолча, наматлар қоқилганда, супурилганида, касаллик қўзғатувчиси чанг билан бирга ҳавога кўтарилиб, нафас олиш йўлига тушади. Бу эса ўз навбатида соғлом одамнинг касалланишига олиб келиши мумкин. Сил таёқчалари нафас олиш йўллари шиллиқ қавати, сийдик йўллари, кўзнинг шиллиқ қавати ва шикастланган тери қопламлари орқали ҳам организмга ўтиши мумкин.

Касаллик манбаи бўлиб бемор киши, уй ҳайвонлари ҳамда қушлар саналади. Унинг соғлом одамга юқишида бемордан ажралиб чиқадиган балғам таркибидаги касаллик қўзғатувчиси муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Атроф-муҳитга ажралиб чиқадиган сил таёқчалари куёш нури таъсирида ва хлорли зарарсизлантирувчи эритмаларда тезда нобуд бўлади. Бу касалликнинг аломатлари хилма-хил бўлиб, беморлар кўпинча силла куришидан, толиқиш ва уйқусизликдан шикоят қиладилар. Кўп ҳолларда беморнинг иштаҳаси сусаяди ва озиб кетади. Баъзан ҳарорати кўтарилиб кўп терлайди. Терлаш кўпинча тунги уйқу давомида кузатилади, вақти-вақти билан эти увишади. Бу белгилар бошқа касалликларда ҳам кузатилиши мумкин. Шу сабабдан бемор албатта, шифокорга мурожаат қилиши лозим.

Организмда содир бўлган ҳар қандай ўзгаришни киши сезади, лекин

буни шунчаки нарса деб қараш ва шифокорга мурожаат қилмаслик кейинчалик соғлиқни тиклаб бўлмайдиган даражада жиддий асоратлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Бемор шифокорга қанчалик эрта мурожаат қилса, ундаги касаллик шунча эрта аниқланади ва тўлиқ даволаниб, ҳеч қандай асоратларсиз соғайиб кетади. Меҳнат, дам олиш ва овқатланиш тартибига риоя қилиш, жисмоний чиниқиш, ортиқча зўриқмаслик, тоза ҳавода кўпроқ бўлиш ва умуман табиатнинг барча шифобахш омилларидан оқилона фойдаланган ҳолда чиниқиш, организмнинг ҳар қандай касалликка, жумладан, сил касаллигига қарши чидамлилигини оширади. Бундай кишилар мабодо, сил касаллигига чалинса, уларда касаллик бирмунча енгиброқ кечади ва тезда соғайиб кетадилар.

М. ЗИЯЕВ,
ИИБ СЭНБМ катта эпидемиолог-шифокори, лейтенант.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ЎЗАНИНИ ТОПГАН ДАРЁ

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

Фарзандларининг эътирозига қарамай Омон косиб кўп йиллардан бери эри ўлиб, қизи билан яшаётган кўшнни қишлоқлик бева аёл билан ҳаётини боғлади. Никоҳини қонуний расмийлаштирди. Ҳамма галва шундан кейин бошланди. Катта ўғли Сулаймон юз кўрмас бўлиб кетди. Қолганлари устани фарзандларига нисбатан тошбағирликда айблади. «Уйни бирортанининг номинизга расмийлаштириб бермасангиз сиздек отанинг баҳридан ўтамиз!» деб дағдаға қилишди. Икки қизи «Онамизнинг руҳи яшаётган ҳовлида бегона аёлга бало борми?!», деб кунора келиб жанжал қиладиган бўлди. Уста бу гапларга эътибор бермади. Олтмиш етти ёшида тақдир қўшилган аёл билан уч йил бирга яшади. Бу орада ундан бир ўғил фарзанд кўрди.

У бир ёшга тўлганида хатна тўйи ва ўзининг етмиш ёш юбилейини ўтказди. Худди уйланганидаги каби тўй харажатларини яна кўни-қўшни, ёру биродарлар кўтарди. Фарзандлари лоақал қони қўшилган жигарларининг тўйига келишга, оталарини муборак етмиш ёши билан қутлашга ҳам ярамадилар. Уларнинг асл ниятлари тўйдан кейин маълум бўлди. Фарзандлар Омон косибга: «Ё уйдан чиқиб кетасиз ёки бу хотинни келган жойига қайтариб юборасиз», деб шарт қўйишди. Бу ҳам етмагандек бир куни ўртанча ўғли Абдуқодир маст бўлиб келиб ўтай онасини дўнпослади. Охири оқибат бундай азобларга чидай олмаган хотин устани ташлаб кетди. Яна ёлғизликка маҳкум этилган устанинг миясига қон қуйилиб, фалаж бўлиб қолди. Оёқ-қўли

ишламай тўшакка миҳланди.

Шунда ҳам фарзандларининг қалби юмшамди. Лоақал бирортаси отасининг олдига кўчиб ўтмади, жиллақурса уйларига олиб кетмади. Уста забун ҳолатда уйшифтга тикилиб ётаркан ёшлик чоғида отаси айтган бир гапнинг маъзини чаққандай бўлди.

— Кўрмаганнинг кўргани курсин, ўғлим. Инсонни бойлик абгор қилади. Айниқса, нодонлар бойиб кетса, босартусарини билмай қолади, тўққан-туғишганларига ҳам яхшиликни раво кўрмайди. Сен ундайлардан йироқда, топганингга шуқр қилиб яша ўғлим! Худо бериб бойиб кетган найтингда ҳам кўрнанга қараб оёқ узат. Фарзандларингга тўғри тарбия бер. Бир ота ўнта фарзандни боқади, лекин кези келганда ўн фарзанд бир отани боқолмайди, — деганди отаси раҳматлик гўё ўғлининг ўн фарзанд кўришини олдиндан билгандек.

Ўғиллари бир уйда қатор ётишганда уларга отасидан эшитган ўғилларини айтиб берарди-ку. Қаерда хато қилган экан? Наҳотки фарзандлари нодон бўлса?..

Омон косиб бу каби саволларга жавоб тополмай қийналар, кун ўтган сайин жисмида дупирлаб турган юрагининг уриши ҳам секинлашиб борарди. Дунёда қаровсиз қолишдан оғирроқ мусибат йўқ. Ўртанча ўғли «Отамга қараш сизларга қолдими?» деб қўшнилари кувиб юборганига ҳам икки кундан ошди. Шу вақт оралига устанинг ҳовлисида ҳеч ким хабар олмади. Учунчи куни Омон косиб бевурд фарзандларининг оқибатсизлигидан орланиб, оч-наҳор, ўз уйи — ўлан тўшагида омонатини тошширди...

Ота ўлгандан кейин юз кўрмас бўлиб кетган тўнғич фарзанд белига белбоғ боғлади. Шаҳарда яшаётган ўғли ғаниматимдан айрилиб қолдим, деганча тўшига мушглаб оқ уриб келди. Ўғай онасига кун бермаган қизлари «Гуноҳларимизни кечиринг, отажон!», деганча жонсиз танани кучоқлаб йиғлашди. Ўртанча ўғил майитни тобутга олишаётганда энг қиммат баҳмал матога ўради. Хорижга ишлаш учун кетган кенжа фарзанди қирқ кундан кейин келиб, ота қабрига мрамор тошдан ёлгорлик ўрнатди...

Тиловат қилиб, ортага қайтаётган саккиз кишини қабристон дарвозаси олдида дарвеш кийимидаги нотаниш мўйсафид тўхтатди ва бир воқеани айтиб берди. «Ҳар оқшом, сиз ёлгорлик ўрнатган қабр ёнида иккита чолни кўраман. Бирининг сочи, қоши, кичриклари ошпоқ. Иккинчиси етмиш-етмиш беш ёшлар атрофида. Қўлларидаги анжомларни кўриб касби-кори этикдўз бўлганлигини англадим. Уларнинг қўллари ишла, тиллари сўзда. Нуқул нималар ҳақидадир суҳбатлашарди. Ўтган оқшом уларнинг суҳбатига қизиқиб яқинроқ бордим ва эшитдим. «Ота», деди ёшироғи, қошлари оқ бобога. «Ҳаётда сизнинг меҳрингиз билан яшадим. Қувват олдим. Сизнинг яхшиликларингиз эвазига эл мени бир умр ардоқлади. Сиз ёлғиз фарзандингизга касб сирларини ўргатиб кетдингиз. Мен ҳам бир ўғил фарзанд кўрдим. Сиздек эл севган инсон бўлсин, деб исминини Абдурахмон қўйдим. Аммо минг афсуслар бўлсинким унга сиздан олган меросимни қолдиролмадим. У ҳали жуда ёш эди, фурсатим

етмади...», деди афсусланиб. Шундан билдимки, улар ота-бола экан. Дунёдан ўтганларнинг сўзларига ортиқ қулоқ солмай ортимга қайтдим», деди ва бир зум ўйлашиб туриб, сўзида давом этди:

— Эзмалигим учун узр. Сиз уларга ким бўласиз?!

Шунда нодон фарзандларнинг юзи қизариб, биз сиз кўрган отажонларнинг иштукамаридан бўлган зурриёларимиз дейишга тиллари айланмай уялиб қолишди. Дарвеш кийимидаги киши эса уларнинг жавобини кутиб ўтирмай кўздан гойиб бўлди.

Бу воқеа кўзини ёғ босган нодон ўғилларнинг мудраб ётган имонини уйғотди. Онаси билан яшаётган Абдурахмонни ота ҳовлисида кўчириб келдилар. У олти ёшга тўлганда қишлоқдаги косибларга шоғирликка беришди. Абдурахмонга барча шароитни яратишга уринишди. Бироқ яхшиликлари отасига етказган озорларининг ўрнини қонламади. Уларнинг омади қайтди. Етти ўғил маълум сабабларга кўра, ишларидан айрилишди. Шундан кейин улар одамлар эътиборидан четда юришга уриниб, уйлари билан чиқмай қўйишди. Ётиб еганга тоғ чидамайди. Кўп ўтмай топган бойликларининг охири кўриниб қолди. Алалоқибат, ота-боболарининг касбини ўрганиб, касбчилик орқасидан кун кўришга мажбур бўлишди. Кенжа фарзанд Абдураҳмон эса отаси қабрига ёлгорлик ўрнатгандан буён қишлоққа келмай қўйганди. Яқинда чет элга саёҳатга борган маҳалладошлари уни бир шаҳарда этик тикиб ўтирганлигини кўришибди...

Бекмурод УСМОНОВ.
Хоразм вилояти.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ИИБ томонидан 1993 йилда туғилган **Мастура Мавлон қизи Мансурова** бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У Шайхонтохур тумани Қоратош кўчаси, 32-уй, 20-хонадонда яшаган. 2009 йилнинг январь ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи қора.

Кийимлари: оқ куртка, кўк велюр халат, кулранг шим, қора калишда бўлган.

Алоҳида белгилари: тепа жағ қисмида иккита сўйлоқ тиши, қорин қисмида чандиги бор.

М. Мансуровани кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Шайхонтохур тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ИИБ томонидан 1939 йилда туғилган **Ҳасанбой Кўзибеков** қидирилмоқда. У Янгийўл тумани «Эски қовунчи» қишлоқ фуқаролар йиғини Қирсадоқ маҳалласи, Қирсадоқ кўчаси, 19-уйда яшаган. 2009 йилнинг 3 март куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 155-156 см, кўзлари, қошлари, сочлари қора, қалин, тепакал.

Кийимлари: қора дўппи, кулранг костюм-шим, кулранг, катаксимон пахмоқ кўйлак, қора туфлида бўлган.

Алоҳида белгилари: бошининг тепа қисмида гурраси бор. **Х. Кўзибековни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлганлардан Янгийўл тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

ҚИДИРИЛМОҚДА

Андижон вилояти Асака тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

Мукаррамхон Абдулхатовна Ўрмонова. 1973 йилда туғилган. Асака тумани Оқчопон маҳалласида яшаган.



Усуббек Ҳакимов. 1956 йилда туғилган. Асака тумани Кужган маҳалласида яшаган.



Ҳайдарали Маҳмудович Мамарежапов. 1975 йилда туғилган. Асака тумани Нейматобод маҳалласида яшаган.



Лазиз Эркинович Мадьяров. 1967 йилда туғилган. Андижон шаҳри, 2-кичик даҳа, 13-уй, 37-хонадонда яшаган.



Салим Одилжонович Юлчиев. 1975 йилда туғилган. Асака тумани Чек маҳалласида яшаган.



Азизбек Алижонович Ўсаров. 1981 йилда туғилган. Асака тумани Полвон маҳалласида яшаган.



Аваз Тўланбоевич Бўтаев. 1959 йилда туғилган. Асака тумани Алиев кўчаси, 27-уйда яшаган.



Аслиддин Сайфуддинович Араббоев. 1988 йилда туғилган. Асака тумани Хонака маҳалласида яшаган.



Хуршид Азамжонович Сиддиқов. 1976 йилда туғилган. Асака тумани Олақанот маҳалласида яшаган.



Нуриддин Нейматжонович Муродов. 1986 йилда туғилган. Асака тумани Меҳнатобод маҳалласида яшаган.



Ғайрат Икромжонович Жўрасев. 1981 йилда туғилган. Асака шаҳри Мадаминов кўчаси, 32-уйда яшаган.



Азизбек Шокирович Каландаров. 1983 йилда туғилган. Хўжаобод тумани Қувват-мурод маҳалласида яшаган.



Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Андижон вилояти Асака тумани ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Навий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЖИЭБ муассасаси бошлиғи, полковник Э. Ҳамраевга волидан муҳтарамаси **МУЯССАР аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма бошлиғи ўринбосари, подполковник Холмўмин Шердановга акаси **Халиёр ШЕРДАЙОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма котибияти референти, сержант Тўхтахан Камаловага онаси **Миниебонд КАМАЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Косон тумани ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ҲООБ бошлиғи, капитан Ғолиб Шерназаровга отаси, ички ишлар идоралари фахрийси истеъфодаги, майор **Меҳмон ШЕРНАЗАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

9 апрель – Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИГА СОДИҚЛИК

XIV асрнинг 70-йилларига келиб мўғуллар истилоидан эътиборан Чигатой улуси номи билан юритилиб келган Мовароуннаҳрда буюк бобомиз Амир Темурнинг тинимсиз саъй-ҳаракати, шижоати, ақл-заковати ва жонбозлиги туфайли мавжуд феодал тарқоқлик, бекликлараро низолару бошбошдоқликларга чек қўйилди. Бир ярим асрлик мўғуллар истибодиди барҳам топиб, марказлашган, мустақил, кучли ҳарбий салоҳиятга эга улкан салтанатга асос солинди.



Шарқий Туркистон Хиндистон ўлкаларидан тортиб Рум (Кичик Осиё), Шом (Сурия) ҳамда Мисргача, Кавказорти музофотларидан тортиб Дашти Кипчоқнинг кенг ҳудудларигача бўлган мамлакатларни қамраб олган буюк империя ташкил топди. Уни идора этишда Соҳибқирон Амир Темур мавжуд ҳуқуқий меъёрларга изчил амал қилди ва уларни давр талабига бинан такомиллаштириб, янада юқорида босқичга олиб чиқди. Амир Темур ўзининг тузуқларида қайд этганидек, салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан амалга оширилди.

Соҳибқирон салтанат байроғи, зарб этиладиган динару дирҳамларга босиладиган белги ҳамда хос тамғасидаги «рости русти», яъни «ҳақ бўлсанг, нажот топасан» ёки «куч адолатдадир» тамойилига бир умр содиқ қолди. У биринчи галда кенг халқ омаси, чунончи, беваю бечоралар, ғарибу мискинлар, савдогару деҳқонлар, косибу чорвадорлар, ҳунарманду зиёлилар, олим уфузалолар, донишманду машойихлар ҳуқуқини муҳофаза этишда қонун-қоидаларга риоя қилиб, адолат билан иш юритди.

Низомуддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида таъкидланганидек, Соҳибқирон буюк империяда адолатли сиёсат ўрнатди. Шу боис ҳам Мовароуннаҳрнинг энг чека жойларидагина эмас, балки Хитой ва Хўтан чегарасидан Деҳли ва Хиндистон ярим ороли шимоли-ғарбда жойлашган Канбойит бандаргоҳи атрофларигача, Кавказ тоғ тизмасининг шарқий қисмидаги Дари ал дарасида бунёд этилган Бобул-Абвоб қалъасидан то Рум ва Миср ҳудудларигача бўлган ерлардан тожирлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли, харир матолар, олтин ва кумушдан ясалган зебу зийнат ва бошқа энг зариф моллар билан савдо-сотик қилганлар. Ҳеч бир кимса, хоҳ амалдор, хоҳ нуфузи юқори бўлишидан қатъи назар, уларнинг бир донига ҳам кўз олайтириш ёки бир дирҳамга ҳам зиён етказишдан бутунлай маҳрум бўлган.

Соҳибқирон томонидан олиб борилган бундай сиё-

сат ва адолат натижасида салтанат жиноятчилар, йўлтўсару қароқчилардан тозаланган. Бузғунчилик, босқинчилик, талон-тарожлик сингари раият бошига кулфат келтирувчи салбий омилларга барҳам берилган, саркашлар гардани итоат ҳалқасига киритилган.

Низомуддин Шомийнинг ёзишича, Амир Темур таниқли ва диёнатли олимлардан бир гуруҳини салтанатнинг турли чекка ўлкаларига халқнинг аҳолидан, турмуш тарзидан маълумот келтириш мақсадида жўнатган. Уларга тайин этилган жойларда мамлакат ишларининг аҳолини ўрганиш, агар бирорта мазлумга зулм етган бўлса ёки бирон ожиз кишига ёрловонлик раво қўрилган бўлса, улардан зўрлик билан олинган нарса исботини топса, мавжуд хазина молидан азият чекканларга белгиланган миқдорда маблағни қайтариб бериш, содир бўлган аҳолини зудликда очиқ-ойдин ҳукумат девонига етказиш вазифасини юклаган.

Ибн Арабшоҳ ўзининг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» асарида келтиришича, 1382 йили Ироқ ерларини Султон Аҳмад ибн Шайх Увайс қўлига олган, шафқат ва эзгуликни унутиб, жиноят йўлига қадам қўяди. Оммага зулм қилиш авжига чиқади. У кунларини жабру жафо ҳамда фасод ишлари билан ўтказа бошлади. Фиску фужур ҳаддидан ошиб, ёвузлик кенг қулоқ ёзади. Инсонларнинг қони беҳудага тўкилади. Бағдод аҳли ҳукмдордан безиб ва нафратланиб, Соҳибқирондан

мадад сўрайди. 1393 йилнинг октябрида Амир Темур суворий ва пиёдалардан иборат қўшини билан Бағдодга келади ҳамда бу қадимий шаҳар аҳлини зolim ҳукмдор зулмидан озод этади. Шаҳарни ташлаб қочишдан ўзга чораси қолмаган Султон Аҳмад Миср султони Барқуқ ҳузурига равона бўлади ва Соҳибқирон вафотига қадар Бағдодга қайта қадам қўйишга журъат этмайди.

Соҳибқироннинг юрт ободлиги, улус фаровонлиги йўлидаги фидокорона фаолияти унинг бунёдкорлик соҳасидаги хизматларида яққол намоён бўлган. Кўпгина жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ ҳаётини бунёдкорлик ишларига бахшида этган Амир Темур: «Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кесдирсам ўрнига ўнта кўчат эктирдим», – деганда тўла ҳақли эди. Зотан, ибн Арабшоҳ ургу берганидек, Самарқандда кўпдан-кўп бўстонлар барпо қилиниб,

баланд ва мустаҳкам қасрлар бунёд этилган. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос тарҳда, кўркам ва ажиб кўринишга эга бўлган. Бўстонлар турли навдаги мевалик кўчатлар билан тўлдирилган. Уларга Эрам боғи, Дунё зийнати, Шимол боғи, Олий жаннат деб, ном қўйилган. Қасрлар турфа нақшинкор кошинлар билан зийнатланган, ранг-баранг сахналарни акс эттирувчи суратлар тасвирланган.

Соҳибқирон Самарқанднинг теварак-атрофи ва этак қисмларида ҳам бир қатор қасабалар бунёд этиб, уларни Миср, Дамашқ, Бағдод, Султония, Шероз каби машҳур ва азим шаҳарлар номи билан атаган. Самарқанд ва Шаҳрисабз (Кеш) оралигида бир бўстон барпо этилиб, унда бир хашаматли қаср қурилган ва унга Тахта Қарача деб ном қўйилган. Ривоятларга кўра, қаср қурувчилардан бирининг йўқолган бияси шу бўстонда олти ой ўтлаб юргандан сўнг эгаси ҳузурига қайтган.

Бунёдкорлик ишлари Мовароуннаҳр шаҳарларидан ташқари Туркистон, Эрон, Ироқ, Кичик Осиё, Кавказорти ҳудудларида ҳам амалга оширилган.

Маълумки, Аракс ва Кура дарёлари бирлашадиган ерга яқин бўлган Байлақон шаҳри 1221 йили мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган. Кавказортига қилинган юришдан зафар билан қайтаётган Соҳибқирон Эрон заминидан ҳам ёдгорликлар қолдириш ниятида мазкур шаҳарни қайта тиклашга бел боғлайди. Унинг бевосита раҳбарлигида қисқа фурсатда шаҳар тархи чизилади. Шаҳар айланаси чуқур хандақ билан иҳота қилинган кенг девор билан ўралган, тўрт бурчак шаклида бозорга эга, кўпдан-кўп уй-жойлар, ҳоким яшайдиган сарой, омма тўпланадиган майдон ва чакзорлардан иборат эди. Шаҳар девори айланасининг узунлиги икки минг тўрт юз газ (1 газ – қарийб 70 см), девор кенглиги ўн бир газ, деворнинг баландлиги кунгуралари тепасигача ўн беш газ атрофида, хандақнинг кенглиги қирқ газ, чуқурлиги тахминан йигирма газ бўлган. Шаҳар девори бўйлаб посбонлар ва соқчилар учун махсус жойлар белгиланган. Шаҳарнинг тўрт бурчагида бир бурж – минора қад ростлаган. Деворга чиқишга мўлжалланган жойлар, мудофаа вақтида кўл келувчи тош отиладиган ўринлар тартибга келтирилган. Хуллас, Байлақон шаҳрини қайта бунёд этишга жадаллик билан киришилади ва атиги бир ой ичида, яъни 1403 йилнинг октябрида шаҳарни қуриш ниҳоясига етказилади. Соҳибқирон Байлақонни ободонлаштириш мақсадида наҳр (канал) қазииш режасини ишлаб чиқади. Олий фармонга мувофиқ Аракс дарёсидан шаҳар томон узунлиги олти фарсах (фарсах – 6-7 км) кенглиги тахминан ўн газ бўлган ариқ қазилади. Наҳр нафақат

Байлақон шаҳри, балки атроф қишлоқларида яшовчи аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини қондиради, экинзорлар, дарахтзорларни оби-ҳаёт билан таъминлайди. Истеъмолдан ортиб қолган сув Кура дарёсига бориб қуйилган. Ариқ қазиш ишларига музаффар қўшиннинг барча аскарлари жалб қилинган. Йирик саркардалар, амиру беклар ишнинг боришини қаттиқ назорат остига олишган. Бир йилда бажарилиши мумкин бундай улугвор иш кўп-ози билан бир ой муддатда якунланган. Узоқ йиллар давомида Байлақон мавзесининг обод ва маъмур бўлишида Соҳибқирон ташаббуси билан қазилган ариқнинг роли катта эди.

Айни шу кезларда Абу-бакр Баҳодир мирзо 1378–1469 йилларда ҳукмронлик қилган, Қора қуюнли туркман қабиласининг сардори Қаро Юсуфни Бағдоддан сиқиб чиқаради. Абу-бакр мирзо бобосининг: «Саъй-ҳаракатларни ободончилик ва фуқаро фаровонлигига йўналтиришни ҳукмдорлик йўл-йўриқларининг фарзларидан ва жаҳондорлик суннатларидан деб билдик», – деган сўзларига оғишмай амал қилган ҳолда азият чеккан раиятни юпантиб, қурилиш ва деҳқончилик ишларига машғул бўлади. Адолат қайта тикланиб, аҳолининг тинч меҳнат қилиши, осуда ҳаёт кечирилишига имкониёт яратилади.

Шубҳасиз, юқорида зикр этилган бунёдкорлик ишлари катта миқдордаги маблағни, иш кучини талаб қилган. Солиқ тизимининг тартибга солиниши давлат солиқларининг ўз вақтида ундирилиб, хазинага тушиши ободончилик, қурилиш ишларининг бажарилишига имкон яратган. Шунингдек, Бадахшон ферузаси, Нишопур, Эрон, Хуросон маъданлари, Хиндистон ёқут ва олмослари, Хурмуз (Форс қўлтиғига қиршида жойлашган порт шаҳар) марваридлари, Хитой духобаларию бахмаллари, мушки анбарлари, бошқа юртлардан келтирилган соф олтин ва кумушлардан катта солиқ ундирилган. Тушган маблағ иқтисодий ривожлантириш, ҳўжалиқнинг асоси бўлган деҳқончиликда сезиларли силжишларга эришиш, салтанат хавфсизлигини таъминлаш, армияни қурол-аслаҳа, асбоб-анжом, от-улов билан таъминлаш каби устувор мақсадларга йўналтирилган. Шу билан бирга, ҳунармандчилик, косибчилик, ички ва ташқи савдони ривожлантириш, илм-фан, маданиятни равнақ топтириш, шаҳар, қишлоқ, мавзеларини ободонлаштириш сингари эзгу ишларга сарфланган.

Ҳамидулла ДАДАБОВЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиб, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашъвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

Менга ёмонлик қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, илтижо би-

лан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб ёмон кишиларини хотирамдан учирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю кўрқув бўлса, унут бўларди.

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қил.

Яхшиларга – яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз-ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIIRIYATI

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir o'rinbosari **Aleksandr YORGUDYAYEV**

Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**

Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**

Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; Faks: 232-05-51.

E-mail: postda08@mail.ru

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.

Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami: 20210000700447980001, MFO 00421.

«lpak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-7168. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57359 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.